O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADABIYOT VA SAN'AT INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 25 сентябрь, № 187 (4850) Жума

МАҚСАД – ЁШЛАР КАМОЛИ

Мамлакатимиз ёшлари дилда эзгу ният билан эртанги марралар сари дадил одимламоқдалар. Зотан, юртимизда Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлоднинг иқтидор ва қобилиятини кенг намоён этиш, ёшларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай, етарли шарт-шароитлар асосида пухта билим олишини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётир.

Миллий дастур ниҳоллари

Қувонарлиси, бугун шаҳару қишлоқларимизда қад ростлаган муҳташам ўқув масканлари бағрида истеъдодли, зукко ва интилувчан ўғил-қизлар ўзлари қизиққан таълим йўналишлари бўйича билим олмоқдалар.

Яқинда Сўх туманида Фарғона политехника институти қошидаги академик лицей фойдаланишга топширилди. Тоғли Равон қишлоғида қад ростлаган ушбу илм даргоҳи 540 ўринга мўлжалланган бўлиб, ўқувчилар аниқ, табиий, ижтимоий-гуманитар фанлар ҳамда хорижий филология таълим йўналиши бўйича таҳсил олишади.

— Ўқув даргоҳимизда компьютер, лингафон хоналари, тадбирлар ва маърузалар заллари, спорт мажмуаси, ошхона ва ётоқхона мавжуд, — дейди лицей ўқувчиси Гулрухсор Мухторова. — Бундан ташқари, бу ерда ўзимиз қизиққан йўналиш бўйича қўшимча дарс

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

НАМАНГАНда автомобиль чироқлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "UzChasys" Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси очилди.

Ҳамкорлик меваси

"Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси ҳамда Корея Республикасининг "Chasys Co.Ltd" компанияси ҳамкорлигида бунёд этилган бу корхона вужудга келишида тўрт миллиард сўм маблағ сарфланди.

Қўшма корхонанинг биринчи босқичи ишга тушиши билан 200 киши иш билан таъминланди. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, бу ерда йилига 40 миллион АҚШ доллари миқдоридаги импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Корхонанинг очилиш маросимида Наманган вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Б. Юсупов иштирок этди.

Қ. НАЖМИДДИНОВ.

БУХОРО. "Бухорогипс" Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасида биноларни пардозлаш ишларида кенг қўлланилувчи қуруқ қурилиш аралашмаси ишлаб чиқарадиган янги цех ишга туширилди.

Ташқи бозор талабига мос

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилган ушбу лойиҳа шарофати билан "Бухорогипс" экспортчи корхонага айланди. Дастлабки 156 тонна маҳсулот ташқи бозорга чиқарилди.

Айтиш лозимки, мазкур қўшма корхонани замонавий технологиялар билан жиҳозлаш учун сўнгги уч йил давомида 6,5 миллион АҚШ долларилик инвестиция киритилди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХОРАЗМ. Мамлакатимизда мавжуд корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Модернизация шарофати

Соҳада олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати" уюшмаси тасарруфидаги "Урганч ёғ" очиқ акциядорлик жамияти цехлари модернизация қилиниб, керакли жиҳозлар билан таъминланди. Бунинг учун 194,3 млн. сўм миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди. Шунингдек, бу ерда ўсимлик ёғини гидрогенизациялаш тизимини ўрнатиш бўйича 890 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган бир пайтда бундай бунёдкорлик ишларининг амалга оширилаётгани юртимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар самарасидир.

Ф. КАЛОНОВ.

СИРДАРЁ. Вилоятда хориж инвестициясини жалб этиш орқали корхоналарни модернизация қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

Изланишлар самара бермоқда

Жумладан, "Мили Гулистан текстиль" қўшма корхонасига 262,6 минг АҚШ долларилик чет эл сармояси киритилган эди. Натижада корхона тўлиқ модернизация қилиниб, калава ип ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Айтиш лозимки, бу каби саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Ўтган қисқа вақт мобайнида "Мили Гулистан текстиль" 688,4 минг АҚШ долларилик маҳсулотини хорижга экспорт қилди. Шунингдек, бу ерда юзга яқин янги иш ўринлари яратилди.

А. ШЕРНАЗАРОВ.

САМАРҚАНД. Қўшработ туманидаги "Самад Нарзуллаев" фермер хўжалиги узумчиликка ихтисослашган.

Даладан — корхонага

Яқинда фермер С. Нарзуллаев банкдан олган кредити ҳисобига хориждан мевани қайта ишлайдиган технология олиб келиб ўрнатди.

Айни пайтда фермер хўжалиги аъзолари ҳафтасига 25 тонна мевани қайта ишламоқда. Янги технологик линиянинг ишга туширилиши натижасида иш ўринлари янада кенгайтирилди.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Нукус шаҳрида Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида "ICTExpo — 2009" кўргазмаси давом этмоқда. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги ахборот-коммуникация соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар ўз маҳсулотлари ҳамда хизмат турлари билан иштирок этмоқда.

ЭНГ СЎНГГИ ЮТУҚЛАР — АМАЛИЁТГА

АКТ ҳафталиги

Хусусан, кўргазмада рақамли телевизион кўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар узатиш технологиялари, интернет тизими, видео-телефон алоқалари, электрон кутубхоналар, касб-ҳунар таълими соҳасидаги ахборот технологияларини кенг қўллаш борасида эришилаётган ютуқлар намойиш этилмоқда.

Уч кун давом этадиган мазкур кўргазмада мутахассислар ўзаро тажриба алмашиш билан биргаликда соҳадаги энг сўнгги ютуқлар билан ҳам танишмоқдалар.

Айни пайтда мазкур тадбир Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиалининг янги биноси очилиши тантаналари билан уланиб кетди. Ушбу бинода таълим олиш учун барча қулайликлар яратилган. Жумладан, у энг сўнгги русумдаги компьютер технологиялари билан жиҳозланган. Бу ерда тўрт йўналиш бўйича 364 нафар талаба таҳсил олмоқда.

Ҳ. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТЛАРИДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз спортчилари қўлга киритаётган ғалабалар салмоғи тобора ошиб бормоқда. Кўнгилларга ғурур ва ифтихор бағишлайдиган жиҳати шундаки, улар дунёнинг барча қитъаларида ўтказилаётган нуфузли мусобақаларда доимо шоҳсупанинг энг юқори поғоналаридан жой олиб келишмоқда.

Музаффар спортчиларимиз шарафига байроғимиз баланд кўтарилиб, мадҳиямиз янграмоқда.

Масалан, жорий ҳафта ҳам спортчиларимиз учун омадли келди. Даниянинг Хернинг шаҳрида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича давом этаётган жаҳон чемпионатида эркин курашчимиз Заурбек Сохиев олтин медални қўлга киритди. 84 килограмм вазн тоифасида иштирок этган Заурбек финалгача бўлган баҳсларда Адриан Жауде (Бразилия), Пекин Олимпиадасининг кумуш медали соҳиби Юсуф Абдусаломов (Тожикистон), Хосе Диаз (Венесуэла), жаҳон чемпиони Ибрагим Алдатов (Украина) каби номдор спортчиларни мағлубиятга учратди. Ҳал қилувчи беллашувда эса у АҚШ вакили Якоб Хербертдан устун келиб, жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

Фахр

Яна бир вакилимиз, икки карра жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров 60 килограмм вазн тоифасида мусобақанинг бронза медали билан тақдирланди.

Германиянинг Оберхоф шаҳрида ёзги биатлон бўйича бўлиб ўтаётган жаҳон чемпионатида эса икки нафар ҳамюртимиз Руслан Носиров ва Анузар Юнусов олтин медалларни қўлга киритди. Таъкидлаб ўтамиз, Руслан ушбу ғалабасидан сўнг Осиё, Европа ва жаҳон чемпионатларида ғалаба қозонган биринчи ўзбекистонлик биатлончи сифатида тарихдан жой оладиган бўлди.

Ф. ИБРАГИМОВ.

ХИТОЙ МАТБУОТИДА ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИ

"Жэньминь Жибао" газетасида "Ўзбекистоннинг "Навоий" халқаро аэропорти даромади 10 баробарга ошди" сарлавҳали мақола чоп этилди. Унда "Навоий" халқаро аэропорти маъмуриятининг маълумотларига кўра, жорий йилда ушбу халқаро аэропортда парвозлар сони 2008 йилга нисбатан 133 тадан 433 тага, аэропортнинг юк терминали орқали ўтадиган юклар ҳажми 15 тоннадан 3337 тоннага ошди. Унинг даромади 10 баробарга кўпайди ва 5 миллион 810 минг АҚШ долларини ташкил этди", дея хабар берилади.

Дунё нигоҳи

Мақолада "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси матбуот хизматининг маълумотларига таянган ҳолда келтирилишича, Навоий халқаро аэропорти ходимлари бир ҳафтада 30 та рейса хизмат кўрсатмоқда. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ҳамда «Korean Air Lines Co., Ltd.» ўртасида иккита А300-600 русумли самолёт лизинги тўғрисида битим имзоланди. Шунингдек, уларни эксплуатация қилиш тўғрисидаги битим ҳам мавжуд. Самолётлар Навоийдан Бангкок, Деҳли, Мумбайга юк рейсларини амалга оширмоқда. Аэропорт раҳбарияти келгусида юк рейслари сонини кўпайтириш ва янги йўналишларни очишни режалаштирмоқда. Ҳозирги кунда халқаро аэропортни модернизациялаш лойиҳаси бўйича ишлар олиб борилмоқда.

"Техникавий инфратузилмаларни модернизациялаш билан бир вақтда хизмат кўрсатиш ходимларининг билим даражаси ҳам оширилмоқда. Бугунги кунда юкларни қайта ишлаш жараёни оптимал ҳолатга келтирилмоқда ҳамда унинг янада тез ва фаол ишлаши учун замонавий ахборот технологияларини жорий этиш режалаштирилмоқда. Барча ушбу тадбирлар амалга оширилганидан сўнг халқаро аэропортнинг логистика маркази жаҳон андозаларига мос келади", дейилади Хитойнинг "LOOKWE" журналида.

Рўзномада чоп этилган "Ўзбекистон экологик ҳаракати етакчиси Нурек ва Тўхтағул гидроэлектр иншоотларида текширув ўтказиш таклифи билан чиқди" сарлавҳали мақолада Ўзбекистон Экологик ҳаракати ижроия қўмитаси раиси Борий Алихоновнинг фикрлари берилган. Унинг таъкидлашича, Саян-Шушенск ГЭСидаги фалокат Марказий Осиёда кўп йиллар илгари барпо этилган йирик электростанциялар фаолиятининг хавфсизлиги бўйича ташвишланишга олиб келди. "Биз ушбу фожиани кучли ҳаяжон ва ачиниш билан қаршиладик. Ушбу фалокатнинг бизни Ўзбекистонда туриб ташвишга солишининг сабаби, биринчи навбатда, ҳудудимиз ана шундай ҳалокат хавфи юқори бўлган Тожикистон ва Қирғизистондаги Нурек ҳамда Тўхтағул иншоотлари билан ёнма-ён жойлашганлигидадир", дея таъкидлайди Б. Алихонов.

(Давоми 2-бетда).

АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИ — ДОИМИЙ МУҲОФАЗАДА

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳар томонлама баркамол ва соғлом ёш авлодни вояга етказиш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ўтган давр мобайнида жамиятнинг барча соҳаларида хотин-қизлар манфаатларини ифода этадиган юзга яқин қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилингани бунинг ёрқин мисолидир.

Фармон ва ижро

Бу борадаги вазифаларни амалга оширишга қаратилган давлат дастурлари қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Бу йўналишда олиб борилаётган кенг кўламли чора-тадбирларда давлат муассасалари билан бир қаторда жамоат ташкилотлари ҳам фаол қатнашаётир.

Пойтахтимизда Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда, Формапер — Италиянинг Миландаги Савдо-саноат палатаси махсус агентлиги, Европа хотин-қизлар лоббисининг Италия Мувофиқлаштирувчи кенгаши, "Марта" Аёллар ресурс маркази кўмагида ўтказилган икки кунлик семинарда аёллар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини, жамиятдаги ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, гендер тенгликни таъминлаш, касбий ўсишни қўллаб-қувватлаш, аёлларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб қилиш каби долзарб масалалар хусусида сўз юритилди.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

БАНКЛАРНИНГ КАПИТАЛЛАШУВ ДАРАЖАСИ ОРТМОҚДА

2009 йилнинг биринчи ярим йиллиги даврида республикамизда тижорат банкларига мақсадли маблағлар ҳисобидан умумий қиймати

140 **миллиард сўмдан кўпроқ имтиёзли кредитлар берилди.**

Банкларнинг капиталлашуви даражасини ошириш мақсадида ажратилган бу маблағ йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга йўналтирилди.

Истиқлол туфайли оммавий ахборот воситаларига эътибор кучайди, уларнинг мавқеи ошди. Шу саъй-ҳаракатлар самарасида ҳаётимиз холисона акс эттирилмоқда, жамиятимизда адолат ва тўғрисўзлик муҳити қарор топмоқда.

ФАОЛЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ

оммавий ахборот воситаларида асосий мезонлардан ҳисобланади

Маълумки, ижтимоий институт ҳисобланган матбуот ахборотлашган жамиятни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтда у аҳолининг сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий онги ва саводхонлигини ошириш, жамоатчилик назоратини ўрнатишда ҳам асосий восита ҳисобланади.

Бугунги ўзбек матбуоти аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлаш борасида салмоқли натижаларни қўлга киритиб келмоқда. Табиийки, ушбу жараёнда журналистдан ҳуқуқий малака ва касб қоидаларига риоя қилиш, қолаверса, нафақат юридик атамалар, иборалар ва процессуал қонун меъёрларини тўғри қўллаш, балки ҳуқуқий маърифат тарғиботчиси сифатида майдонга чиқиш вазифаси ҳам талаб этилмоқда.

Аслини олганда, фуқаролик жамияти эркин матбуот ва мустақил судлар ҳамкорлиги билан характерланади. Бинобарин, бирорта демократик давлат мазкур институтларсиз яшай олмайди. Бошқача айтганда, улардан бирининг мустақиллигига таҳдид қилинса, табиий равишда иккинчисининг эркинлигига путур етади. Шу боис мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида амалга оширилаётган янгиланиш ва либераллаштириш жараёнида суд ҳокимияти ва ОАВнинг ўзаро ҳамкорлиги масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Халқаро тажрибадан маълумки, журналистиканинг ҳақиқий «тўртинчи ҳокимият»га айланишини таъминловчи энг муҳим асос, бу — мустақил суд ҳокимиятидир. Агар журналистларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари судлар томонидан ҳимоя қилинмаса, матбуот эркин фаолият юритолмайди. Ўз навбатида, суд қарорлари ОАВ ва кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланмаса, судлар амалда мустақил бўлолмайди. Ҳуқуқшунослар Д. Калифано ва Х. Симонс айтганидек "Суд қарорларини қўллаб-қувватлашни таъминлашнинг энг самарали усули оммавий ахборот воситаларидир".

Матбуот ҳамда суд ҳокимияти вазифа ва табиатига кўра турли фаолиятни амалга оширади. Аммо улар туб мазмун-моҳияти билан бир мақсад учун — ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти манфаатлари учун хизмат қилади. Уларнинг ўзаро ҳамкорлигисиз ушбу мураккаб вазифани амалга ошириш мумкин эмас.

Журналист суд маълумотларидан эркин фойдаланади. Бу эса судлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатибгина қолмайди, аксинча судларнинг хатога йўл қўйиши эҳтимолини камайтиради. Шу билан бирга, қонун устуворлигини таъминлайди, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Мушоҳада

Айтиш лозимки, мустақиллик йилларида бу соҳанинг ҳуқуқий асослари тўла шакллантирилди. Жумладан, сўз ва матбуот эркинлиги, журналистнинг ахборотни монеликсиз излаш, олиш, тарқатиш ҳуқуқи Конституция ва қонунлар билан кафолатланди, цензура бекор қилинди. Айни пайтда ҳуқуқ ва манфаатларимиз ҳимоячиси бўлган суд мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги ислоҳотлар самарадорлигини ошириш ва ки хусусий телерадиокомпанияларда, шунингдек, оммавий ва кўнгилочар нашрларда "Жиноят ва жазо", "Суд залидан репортаж", "Ҳимоя", "Жараён" каби махсус рукнлар ташкил этилиб, хабар, репортаж, очерк, мақола, журналист суриштируви ва интервьюлар бериб борилмоқда. Муҳими, миллий матбуотимизда янги йўналиш — суд-ҳуқуқ журналистикаси равнақ топаётир.

Шу ўринда миллий журналистикамиз амалиётида судлардан ахборот олиш ва суд жараёнларини матбуотда ёритиш билан боғлиқ баъзи муаммолар борлигини ҳам айтиш жоиз. Масалан, бугун жамиятни демократлаштириш ва янгилаш жараёнида журналистларнинг фаоллиги ва фуқаролик позицияси етарли эмасдек, назаримизда.

Журналист ихтисослашуви, маҳорати, ҳуқуқий саводхонлиги, касб этикаси билан боғлиқ камчиликлар ҳам мавжудки, бу нарса унинг фаолияти самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундан ташқари, суд жараёнлари билан боғлиқ "суд транспарентлиги", "аккредитация", "журналист суриштируви", "айбсизлик презумпцияси", "диффамация", "раддия", "маънавий зарар" каби тушунчалар матбуотда тўла очиб берилаётгани йўқ. Қолаверса, қонун ҳужжатларидаги мавжуд зиддиятлар соҳа амалиётида айрим муаммоларга сабаб бўлаётганлиги ҳам сир эмас.

Таҳлилларга кўра, миллий матбуотшуносликда журналистиканинг ўрни ва аҳамиятига бағишланган махсус тадқиқот амалга оширилмаган. Дарслик ва қўлланмалар яратилмаган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, судларнинг очиқ ва ошкоралиги тўғрисидаги конституциявий талабнинг таъминланиши кўп жиҳатдан ОАВ фаолиятига боғлиқ. Суд залида омманинг иштироки ва суд жараёнларининг матбуотда ёритилиши давлат фаолиятининг, жумладан, суд ҳокимиятининг махфийлиги ҳамда ёпиқлигини инкор этади. Зеро, махфийлик ва ёпиқлик тоталитар, авторитар ва бошқа нодемократик сиёсий тузумларга хос хусусиятдир.

Дарҳақиқат, матбуот миллатнинг уйғониши, уларнинг сиёсий фаоллиги ҳамда ҳуқуқий маданиятини оширишда муҳим ва энг қулай воситадир. Бу воситанинг самарали ишлаши учун ахборот манбаи бўлиши кифоя. Ҳокимият ана шу манба вазифасини ўтайди. Информация яратувчиси бўлган ҳокимият, шу жумладан, суд ҳокимияти ОАВ жамоатчилик назоратини амалга оширадиган доимий объект бўлиб қолаверади. Бу ҳамкорлик ўз вақтида ахборотлашган, демократик қадриятлар устувор жамият барпо этишимизда қўл келади.

Олимжон ЎСАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

МАҚСАД — ЁШЛАР КАМОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

соатларида қатнашишимиз, тўгарак машғулотларига аъзо бўлиб, ҳунар ўрганишимиз учун ҳам шароитлар етарли. Ҳар бир ёшнинг замонавий билим соҳиби, танлаган касбининг етук малакали мутахассиси бўлиб етишиши учун катта имкониятлар яратилаётгани, улкан ютуқларга эришишимиз йўлидаги бундай ғамхўрликлар бизни астойдил ўқиб, қунт билан илм эгаллашга ундамоқда.

Дарҳақиқат, юксак чўққиларни кўзлаётган бундай йигит-қизларнинг мақсад ва интилишларига қанот бўлаётган бугунги эзгу саъй-ҳаракатлар, албатта, ижобий самара беради. Чунки ёшларимиз дунёқарашида ёруғ келажакка ишонч ҳисси, яратиш ва бунёдкорликка интилиш ғоялари мустаҳкам қарор топмоқда. Шубҳасиз, ушбу натижаларга таълим-тарбия жараёнидаги изчил ислоҳотлар, тизимда амалга оширилаётган хайрли ишлар сабаб эришилаётир.

СУРАТЛАРДА: лицей ҳаётидан лавҳалар.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

ХИТОЙ МАТБУОТИДА ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хитой журналида Б. Алихоновнинг муносабатларига алоҳида эътибор қаратилиб, унда "Саян-Шушенск ГЭСида содир бўлган фалокат, энг аввало, трансчегаравий дарёларда жойлашган гидроэлектростанциялар фаолиятида юз бериши мумкин бўлган ҳалокатнинг одамлар ва атроф-муҳитга таҳдиди бўйича ўнлаб саволларни келтириб чиқарган ташвишли қўнғироққа сабаб бўлди. Марказий Осиёнинг йирик дарёлари юқори қисмида жойлашган Тожикистон ва Қирғизистон собиқ иттифоқдан мерос бўлиб қолган гидроэлектростанциялардан бир томонлама тартибда фойдаланмоқда. Ўз вақтида оқим пастлигида жойлашган давлатларга биринчи галда қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш учун сув ҳовузлари сифатида хизмат қилиб келган Нурек ва Тўхтағул ГЭСлари сув омборларидан ҳозирда ушбу давлатлар ўз энергетик муаммоларини ҳал қилиш йўлида фойдаланишмоқда. Мавжуд таҳдидлар эса жавоб чораларини кўришни тақозо этади", дейилади. Шу ўринда у Марказий Осиёдаги барча йирик сув омборларида фаолият юритаётган ГЭСларда комплекс тарзда тафтиш ўтказиш лозимлигини алоҳида таъкидлайди.

«Жаҳон» АА.
Пекин

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида "Марказий Осиёдаги экологик вазият ва барқарор ривожланиш масалалари" мавзуида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.

ЭКОЛОГИЯ ВА ИСТИҚБОЛ

Ўзбекистон экологик ҳаракати, "Камолот" ЁИҲ ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда АҚШ, Буюк Британия, Хитой, Япония, Германия, Ҳиндистон, Индонезия, Норвегия, Россия ва бошқа мамлакатлардан халқаро экспертлар иштирок этди.

Тадбир

Давра суҳбатида сўзга чиққан "Камолот" ЁИҲ Марказий Кенгаши раиси А. Алимов, Ўзбекистон Экологик ҳаракати раиси Б. Алихонов ва бошқалар мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазаси ва инсон саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини, бу борада зарур ҳуқуқий асослар яратилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётганини таъкидлашди.

Тадбирда Ўзбекистон Экологик ҳаракати фаолияти, унинг истиқболдаги режалари, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига оид масалаларни давлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳал қилиш йўналишлари, табиат ва инсон муносабатларининг ҳуқуқий асослари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш истиқболлари, бу борада жамоатчилик, айниқса, ёшлар фаоллигини ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

О. ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТАБИАТГА ИЖОДИЙ НИГОҲ

Тошкентда "Аҳолининг экологик муаммолар доирасидаги хабардорлик салоҳиятини оширишда ОАВнинг роли" мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Анжуман Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳамкорлигида БМТ Тараққиёт дастурининг Кичик Грантлар дастури томонидан молиялаштирилаётган "Табиат тилида" лойиҳаси доирасида ташкил этилди.

Анжуман

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясига аъзо телерадиостанциялар муҳаррирлари иштирокида ўтган ушбу тадбирда соҳанинг тажрибали мутахассислари "Биохилма-хиллик нима?", "Биологик занжир ва инсон", "Иқлим ўзгаришининг сабаблари" сингари бир қатор мавзуларда назарий машғулотлар ўтишди.

Маълумки, бугунги давр журналистдан танланган мавзуни ёритишда билимдонлик, теран фикрлаш, мутахассислар билан тенгма-тенг баҳслашиб, амалий таклифлар бера олишни талаб этади. Шу боис тадбирда иштирок этган 18 та ҳудудий телестанция ва 5 та FM радиостанциялари муҳаррирлари матбуотда экологик мавзуни ёритиш мезонлари ҳақида атрофлича фикр алмашдилар. Айниқса, эфирга узатилаётган мавзуга оид ҳужжатли фильмлар, кўрсатув ва эшиттиришлар, ижтимоий роликлар муҳокамаси жуда қизғин ўтди.

Ўтказилган семинар-тренинг матбуотда, хусусан, нодавлат теле ва радиостанциялар чиқишларида экологик мавзуларнинг ёритилишини янада яхшилашга хизмат қилиши иштирокчилар томонидан алоҳида қайд этилди.

М. ХОЛМАТОВА.

ЧИМБОЙНИНГ ЧИРОЙЛИ ЛИБОСЛАРИ

Чимбой туманида ёшларни иш билан таъминлаш ва аҳолига сифатли маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Инфратузилма

Тумандаги 5-сонли қишлоқ фуқаролар йиғинида фаолият кўрсатаётган "Гулнор" тикиш цехида айни пайтда 20 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Цех жамоаси мижозларга турли хил кийим-кечакларни буюртмалар асосида тайёрлаб бермоқда. Шуниси эътиборлики, ишчиларнинг аксарияти маҳаллий ёшлардан иборат.

Қолаверса, ушбу фуқаролар йиғини ҳудудида яна бир тикиш цехи фаолият юритади. Айни пайтда унда, асосан, парда ва карнизлар ишлаб чиқарилаётир.

СУРАТДА: тикувчилар Тургангул Ҳакимниёзова ва Саят Жуманиёзова иш пайтида.

Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган сурат.

Термизда қўшма корхона

Яхши хабар

Термиз шаҳрида пиллани қайта ишлайдиган "Сурхон — Термиз — Силк" корхонаси фойдаланишга топширилди.

Замонавий технология билан жиҳозланган ушбу корхона бир йилда 400 тонна пиллани қайта ишлаш қувватига эга.

Корхона ишга тушиши билан 250 киши иш билан таъминланди.

Н. ТЕМИРОВ.

АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИ — ДОИМИЙ МУҲОФАЗАДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятини мустаҳкамлаш" лойиҳаси доирасида ташкил этилган семинарда аёлларнинг иқтисодий фаровонлигини таъминлаш масалалари билан шуғулланадиган давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистонда хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш, оила ва жамиятдаги мавқеини юксалтириш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу йўналишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Аёлларни ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишлари кўлами тобора кенгаймоқда. Шаҳар ва туманлар, олис ва чекка қишлоқларда замонавий жиҳозлар билан таъминланган соғлиқни сақлаш муассасалари, спорт-соғломлаштириш мажмуалари, маънавий-маърифий масканлар фойдаланишга топширилмоқда. Маҳалла, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари жамиятда бағрикенглик, эзгулик, меҳр-оқибат ва инсонпарварлик муҳитини мустаҳкамлашда фаол иштирок этмоқдалар.

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг, айниқса, қишлоқ жойларда меҳнат шароитларини янада яхшилаш, тадбиркорлик соҳасига янада кенгроқ жалб этиш, касаначиликни ривожлантириш борасида кенг миқёсдаги чора-тадбирлар амалга оширилаётир. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида касаначиликни ташкил этиш, аёллар иштирокида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларга имтиёзли микрокредитлар ажратиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар амалга оширилаётир.

З. УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Миллий меъморчилигимиз анъаналари асосида барпо этилаётган замонавий тураржойлар шаҳар ва қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшмоқда. Биноларнинг пишиқ ғиштдан тикланаётганлиги эса узоқ вақт хизмат қилишидан далолатдир.

Президентимизнинг "Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қурилиш индустриясининг барча жабҳалари, хусусан, ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналар қувватини юксалтиришда катта имкониятлар яратди.

МУСТАҲКАМ ВА КЎРКАМ УЙ-ЖОЙЛАР

бунёд этишда сифатли пишиқ ғишт ва бошқа қурилиш материалларидан фойдаланиш муҳимдир

Унинг ижроси доирасида Наманган вилоятида ҳам корхоналарни модернизация қилиш, янги қувватларни ишга тушириш орқали деворбоп материаллар тайёрлаш ҳажмини кўпайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланиб, талайгина ишлар амалга оширилмоқда.

Аввало, мазкур қарор ижроси доирасида 2009-2011 йилларга мўлжаллаб ишлаб чиқилган ҳудудий дастурга мувофиқ, ушбу муддат давомида 96 миллион дона маҳсулот тайёрлаш қувватига эга бўлган 14 та янги корхона барпо этилади. Бундан ташқари, ишлаб турган 22 та корхонани модернизациялаш орқали уларнинг йиллик умумий қуввати 206 миллион донага етказилади.

— Белгиланган дастур бўйича амалий ишлар бошланиб кетди, — дейди вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси етакчи мутахассиси Нурилло Неъматжонов. — Масалан, Янгиқўрғон туманининг Қораполвон қишлоғида "Тоҳиржон Евроқурилиш" масъулияти чекланган жамияти йилига 6 миллион дона ғишт тайёрлашга мўлжалланган корхонани ишга туширди. Ҳозирда бу ерда 50 киши меҳнат қилиб, аҳолига юқори сифатли ва арзон маҳсулот етказиб бераётир. Йил охирига қадар шундай корхоналардан яна 6 таси фаолият кўрсата бошлаши билан қўшимча равишда 51 миллион дона ана шундай қурилиш ашёси ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Дарҳақиқат, замонавий, электр энергиясини тежайдиган унумли технологияни жорий қилиш йўли билан ишлаб чиқаришни модернизациялаш маҳсулот тайёрлаш ҳажмини ошириш, пировардида бозорни зарур қурилиш ашёси билан тўлдиришнинг энг мақбул йўлидир. Янгича технология асосида пишиқ ғишт тайёрлашга ўтган корхоналарнинг давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани эса уларнинг тезда оёққа туриб олишини таъминлайди. Гап шундаки, янги ташкил этилган корхоналар 2012 йилнинг 1 январигача бўлган давр ичида барча турдаги солиқлар, мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмалардан озод қилинган.

Қарор ва ижро

Дастурга кўра, 10 та лойиҳа асосида қиймати 1,1 миллиард сўмга тенг бўлган хорижий технологик ускуналарни сотиб олиш режалаштирилган. Ҳозирга қадар модернизация ҳисобига 324,5 минг АҚШ долларилик 4 та, янги ташкил этилаётган корхоналар учун 97,8 минг АҚШ доллари ҳамда 230 миллион сўмга тенг бўлган 2 та шартнома кучга кирди. 27 та лойиҳада кўзда тутилган асбоб-ускуналарни сотиб олиш, олиб келиш ва жиҳозлаш бўйича молиялаштирувчи банк ҳамда корхона ўртасидаги шартномалар ижросининг тегишли жадвали ишлаб чиқилиб, амалга киритилди.

— Давлатимиз раҳбари томонидан соҳага қаратилаётган эътибор бизга қанот бўлаяпти, — дейди Косонсой туманидаги "Комилжон Мўминов" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Б. Мўминов. — Ўзим мижоз бўлган банкнинг 200 миллион сўмлик кредити ҳисобига Хитойнинг замонавий технологиясини сотиб олаяпман. Уни ўрнатгач, корхонамизнинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати ҳозирги 1,5 миллион донадан 5 миллион донага кўтарилади. Янги асбоб-ускуналарнинг электр энергиясини қарийб икки баравар тежаши эса таннархни арзонлаштириш имконини беради.

Ишлаб чиқарувчиларнинг ассортимини ошириш, ғишт тайёрлашни кўпайтириш билан бирга, яна бир харидоргир қурилиш маҳсулоти — томёпқич ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳаракатини бошлаб юборишган. Мазкур йўналишда вилоят бўйича 4 та лойиҳа рўёбга чиқарилади. Натижада йилига шу турда 650 миллион донага яқин маҳсулот тайёрлаш имконияти яратилади. Айни пайтда Учқўрғон туманидаги "Камалак" хусусий фирмасига Украинадан зарур технологик ускуналар келтирилмоқда. Тўрақўрғоннинг Сайрам қишлоғида фаолият кўрсатаётган "Қурувчи" хусусий корхонаси раҳбари А. Сотволдиев эса маҳаллий шароитда тайёрланган жиҳозлар ёрдамида томёпқич ишлаб чиқариш учун ҳаракат қилмоқда.

Маълумотларга қараганда, вилоят аҳлининг айни пайтда пишиқ ғиштга бўлган ўртача эҳтиёжи 206 миллион донани ташкил этади. Корхоналар қувватини ошириш бўйича тузилган лойиҳаларнинг амалга ошиши эса 250 миллион доналик марра эгаллашга замин яратади. Бу маҳсулот таннархини арзонлаштириш, тураржой биноларини фақат пишиқ ғиштдан қуриш, шунингдек, жойларда қўшимча 500 дан зиёд янги иш ўрни яратиш имконини беради.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

ОИТСга қарши вакцина

Таиландда ОИТС хасталигига қарши яратилган янги вакцина синовдан ўтказилди.



"Associated Press" ахборот агентлигининг маълум қилишича, мазкур дори воситаси аввалгиларига қараганда самаралироқ. Жумладан, у ОИТС хавфини 31 фоизгача қисқартириши аниқланган. Синов жараёнига мамлакатнинг хасталик энг кўп кузатилган минтақасида яшовчи 18-30 ёш атрофидаги 16 минг киши жалб этилган.

Таъкидлаш керак, ОИТС дунёда энг кўп тарқалган ва давоси йўқ дард ҳисобланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра, дунё бўйича ҳар куни 7,5 минг киши ушбу касалликни юқтиради. Биргина 2007 йилда ОИТС икки миллион одамнинг умрига зомин бўлган.

Яна таҳдид қилди

"Welt" нашрининг хабарига қараганда, "Ал-Қоида" гуруҳи Германия мамлакатига яна таҳдид солган.

Жиноий тўда томонидан интернет тармоғида видео лавҳалар жойлаштирилган бўлиб, уларда мамлакат ҳудудида террорчилик ҳаракатлари содир этилиши маълум қилинган. Ана шундай роликлардан биринда 2001 йилнинг 11 сентябрь санасида АҚШда амалга оширилган қўпорувчилик ҳаракатлари расмлари ҳам акс эттирилган. Айтилишича, "Ал-Қоида" шу орқали Германиядан Афғонистонда-ги ҳарбийларини олиб чиқиб кетишини талаб қилган.

Эслатиб ўтамиз, жиноий гуруҳ худди шундай таҳдидлар билан 18 ва 20 сентябрь кунлари ҳам ушбу мамлакатга мурожаат қилганди.

Омборхонада портлаш

Россиянинг Воронеж шаҳридаги пиротехника воситалари сақланувчи омборда портлаш юз берди, дейилади "РИА Новости" ахборот агентлиги хабарида.



Фалокат оқибатида 42 киши ҳалок бўлган. Портлашдан сўнг ёнғин юзага келгани боис омбор биносига жиддий зарар етган. Шунингдек, воқеа жойига яқин бўлган учта турaржой биноси ҳам шикастланган.

Портлаш сабаблари ҳақида маълумотлар йўқ. Текшириш ишлари олиб борилмоқда.

Ипотека кредитлари кўпайди

Август ойида Буюк Британия банклари томонидан берилган ипотека кредитлари миқдорида ўсиш кузатилган.

"Евроньюс" телеканали хабарига кўра, ушбу муддатда мижозларга 38 мингта кредит ажратилган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 81 фоизга кўпдир.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоиз, глобал молиявий-иқтисодий инқироз таъсири туфайли 2008 йилда мамлакатдаги уй-жойлар баҳоси 20 фоизга арзонлашганди. Сўнгги ойларда эса нархларда яна кўтарилиш кузатила бошлади.

Электростанциядаги бахтсизлик

Ҳиндистоннинг Корба шаҳридаги иссиқлик электростанциясида бахтсиз ҳодиса юз берди.



"AFP" ахборот агентлигининг маълум қилишича, кучли ёмғир натижасида ҳали қурилиши тугалланмаган минора ағдарилиб кетган. Натижада йигирмага яқин киши ҳаётдан кўз юмган. Вайроналар остида яна ўнлаб одамлар қолиб кетганлиги тахмин қилинмоқда.

Воқеа жойида қидирув-қутқарув ишлари давом этмоқда.

Бир лаҳзада миллионер

Германиянинг Бавария шаҳрида яшовчи фуқаро лотереядан 31,7 миллион евро ютиб олди.

LOTTO 6aus49
Ziehung Mittwoch 23.09.09
3 4 23 30 43 44
ZZ: 27 SZ: 6

У ўйин шартларида белгиланганидек, барча рақамларни тўғри топган. Ҳозирча унинг исми ошкор этилмаяпти.

Давлатга тегишли бўлган «Тото-Лотто» номли мазкур лотереянинг ютуқ жамғармаси 87 миллион еврога тенг эди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Сўнгги бир неча ой мобайнида жаҳон оммавий ахборот воситалари тарқатаётган хабарларда A/H1N1 гриппи билан боғлиқ ҳолатлар асосий мавзулардан бири бўлиб қолмоқда. Чунки кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, ушбу хасталик қамрови ва хавфи ҳали-ҳануз камайганича йўқ.

ДУНЁНИ ТАШВИШЛАНТИРАЁТГАН ДАРД

Шарҳ

Маълумки, дастлаб Мексикада пайдо бўлган грипп кейинчалик АҚШ, Канада, Бразилия, Европа қитъаси ва Осиёнинг бир қатор мамлакатларига шиддат билан кириб келди. Оқибатда унинг аломатлари ер шарининг деярли барча минтақаларида кузатилди. Маълумотларга қараганда, айни пайтда мазкур вирусни юқтирганлар сони 271 минг кишидан ортган. Шулардан 3000 нафарида касалликнинг оғир ҳолати аниқланган бўлиб, у инсон ҳаётининг эрта тугашига олиб келиши мумкин экан. Хасталик бир неча юз кишининг умрига зомин бўлган.

Яна бир ташвишли жиҳати, A/H1N1 гриппи дунё иқтисодиётига 4 триллион АҚШ доллари миқдорида зарар етказиши ва жаҳонда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг беш фоизга камайиб кетишига олиб келиши тахмин қилинмоқда. Шу боис етакчи иқтисодчилар, экспертлар бу дард шундоқ ҳам жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатлари туфайли "қадди букилган" дунё иқтисодиётига навбатдаги қутилмаган зарба бўлганини таъкидлашмоқда.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, мазкур вирус таркибида парранда, чўчқа ва инсон гриппи генларидан иборат чатишма (гибрид) мавжуд. Уни юқтирганларда дастлаб оддий грипп аломатлари пайдо бўлади. Бу ҳолат эса уни аниқлашда айрим қийинчиликларни туғдиради. Касалликда ҳаво орқали юқиш хусусияти мавжудлиги эса унинг хавфлилик даражаси юқорилигидан далолат беради. Вирусни юқтирганларда иситма чиқиши, мушаклар ва томоқ оғриши, қуруқ йўтал тутиши, қўнгил айниб, ич кетиши каби ҳолатлар кузатилади. Кишини ҳушёрликка ундайдиган яна бир тарафи уни даволовчи махсус препаратлар мавжуд эмаслигида. Гарчи Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти унга қарши курашадиган махсус вакцина ишлаб чиқариш жараёни бошлаб юборилганини маълум қилган бўлса-да, мутахассислар уни кенг миқёсда амалиётга жорий этиш учун бир йилдан кам вақт кетмаслигини билдиришган.

Биласиз, хасталик дастлаб "чўчқа гриппи" номи билан аталганди. Бу эса одамлар онгида у чўчқадан юқади, деган таассуротларни ҳам пайдо қилди. Ўз-ўзидан, бу ҳолат айрим давлатлар иқтисодиётида муҳим ўрин тутувчи чўчқачиликка путур етказди. Лекин шифокорлар A/H1N1 гриппи тарқалиши билан боғлиқ бундай қарашлар асоссиз эканлигини билдиришган.

Инсоният тарихида шунга ўхшаш хавфли касалликлар кузатилган ва улар қанчадан-қанча одамлар умрига завол бўлган. Жумладан, 1918 йилда ер юзи аҳолиси "испанка" номи билан аталган вирусдан азият чеккан эди. Ушанда касаллик қарийб 50 миллион кишининг ёстиғини қуритгани маълум қилинган. Орадан йиллар ўтиб эса дунё аҳолиси бошига "Осиё гриппи", "Парранда гриппи" каби офатлар катта ташвиш келтирди. Бу касалликлар ҳам бир неча миллион одамнинг бошига етганди.

Аммо баъзи таҳлилчилар A/H1N1 гриппи мавсумий кузатиладиган гриппларидан фарқ қилмаслиги ҳақидаги фикрларни илгари суришмоқда. Хусусан, АҚШнинг Пенсильвания университети инфекцияга қарши курашиш бош мутахассиси Нил Фишернинг таъкидлашича, грипп ҳозирча ўзининг асл хислатларини тўлиқ намойиш қилганича йўқ. Ва у худди оддий шамоллаш гриппига ўхшаб таъсир кўрсатмоқда. Албатта, унинг хавфи янада кучайиб кетмаслигига ҳам кафолат йўқ. Шу боис ҳар бир одам одатий гриппларидан ҳимоялангандек йўл тутса, мақсадга мувофиқдир. Касалликнинг ҳар қандай кичик аломати сезилганда, кўчага чиқмаслик тавсия этилади.

Нима бўлган тақдирда ҳам, вирус жаҳон ҳамжамиятини таҳликага солгани бор гап. Унга қарши курашишда ҳар бир давлат ўзининг қатъий чора-тадбирларини ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этмоқда. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти касалликка қарши курашда дунё ҳамжамияти жипсликда ҳаракат қилиши лозимлигини уқтирмоқда. Шундагина унинг олдини олиш ва катта талафотларга йўл қўймасликка эришиш мумкин.

Хўш, бу борада мамлакатимиздаги аҳвол қандай? Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан маълум қилинишича, касаллик пайдо бўлса, унга қарши кескин чоралар кўриб қўйилган. Мамлакатимиз сарҳадларида, аэропортлар, темир йўл станцияларида санитария-назорат пунктлари ташкил этилиб, уларнинг фаолияти қатъий режим асосида йўлга қўйилган.

Яқинда эса A/H1N1 вирусининг МДҲ давлатларига тарқалишининг олдини олишни янада кучайтириш мақсадида, минтақа Темир йўл станциялари маъмуриятлари биргаликда ҳаракат қилишга келишиб олди. Шу мақсадда Россиянинг Светлогорск шаҳрида ташкил этилган учрашувда Россия, Озарбойжон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Украина ва Ўзбекистон вакиллари иштирок этишди. Тадбирда ушбу давлатлар ўртасида касалликка қарши биргаликда курашиш борасида келишиб олинди ва мажлис баённомаси имзоланди. Демак, фуқароларимизнинг соғлиғини асраш масаласи доимий эътиборда. Ушбу жараёнда ҳар биримиз лоқайдликка йўл қўймасдан, ўз саломатлигимизга эътибор қилсак, ҳеч бир хасталик ҳаётимизга рахна сололмайди.

Фазлиддин АБИЛОВ.

Таълим

Алишер Навоий номидаги Сирдарё вилояти ахборот-кутубхона марказида китобхонлар учун электрон мутолаа қилиш имконияти яратилди.

ЭЛЕКТРОН МУТОЛАА

Ҳозирча марказнинг электрон каталогига 604 та манба киритилган бўлиб, ундан Мирзачўл воҳасининг ўлкашунослигига оид юздан зиёд адабиётлар ўрин олган. Нодир адабиёт намуналарининг электрон нусхалари эса 200 тага етказилди. Айни пайтда марказда компьютер саводхонлиги ўқуви ва "ZiyoNET" ўқув таълим тармоғи ҳам ўрнатилган.

Тизимда замонавий ахборот технологияларининг жорий қилиниши китобхонларга қулайлик туғдирибгина қолмай, мукаммал маълумот олиш имкониятини ҳам яратди.

А. ШЕРНАЗАРОВ.

КАНОПНИНГ ЯНГИ ТУРИ

Каноп республикамизда етиштириладиган техник экин ҳисобланиб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг фойдаланилади.

Изланиш

Яқинда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Ўзбекистон мойли ва толали ўсимликлар илмий-текшириш станцияси олимлари томонидан ушбу ўсимликнинг янги "Ўзбекистон-2225" нави яратилди. Янги навнинг уруғчилик тизими бўйича амалий ва услубий қўлланма берилди.

Ўзининг майинлиги, пишиқ-пухталиги билан ажралиб турадиган ушбу нав давлат нав синаш комиссияси томонидан фойдаланиш учун тавсия этилди.

О. ПАРПИЕВ.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири — суғурта хизмати ҳам тобора ривожланиб бораётир. Бунда, айниқса, Президентимизнинг 2002 йил 31 январдаги "Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги "Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

СУҒУРТА ХИЗМАТИ – ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Жараён

Дарҳақиқат, мамлакат аҳолиси ҳамда иқтисодиётнинг турли тармоқларини ҳимоялашда суғурта хизматининг аҳамияти катта. Айниқса, бозор муносабатлари ривожланиши ва мулкчиликнинг турли кўринишлари юзага келиши суғурта хизматига бўлган талаб ва эҳтиёжни тобора оширмоқда.

Таъкидлаш жоизки, "Ўзагросуғурта" компанияси тизимида тегишли ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Буни компаниянинг Хоразм вилояти дирекцияси фаолияти мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Масалан, дирекция жамоаси томонидан жорий йилнинг олти ойи давомида бир миллиард сўмдан ортиқ суғурта мукофотлари тушириллгани, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 168,3 фоизни ташкил этиши сўзимиз исботидир.

Шунингдек, айни пайтда дирекция агросаноат мажмуига кирувчи корхона ва ташкилотларга ўндан зиёд турдаги суғурта хизматлари таклиф этмоқда. Бу борада моддий мадад олаётган корхоналар сафи эса тобора кенгайиб бораяпти.

Бундан ташқари, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан қўшимча равишда 12 та суғурта ваколатхоналари очилгани бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш баробарида қишлоқ аҳлининг ушбу хизмат туридан фойдаланиш имкониятини ошириши, шубҳасиз.

Бир сўз билан айтганда, бугунги бозор иқтисодиёти шароити, замонавий турмуш тарзи суғурта хизматидан ҳаётий зарурат сифатида фойдаланишни тақозо этаётир. Бунда эса "Ўзагросуғурта" давлат акциядорлик суғурта компанияси томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Ҳ. ШАМШИЕВА.

"Росагропромснаб" МЧЖ

ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

• УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
• 5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
• ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
• ПЗК фильтрлари, ИЗО муфталари



Маҳсулот сертификатланган.
Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.
Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мавзеси, Ц-даҳаси, 6-уй. Мўлжал — «Шуҳрат» дўкони жойлашган чорраҳа.

«Agro Marker Plus» МЧЖ
мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш учун юқори сифатли, экологик тоза 100000 та пластик яшиктараларни таклиф этади.
Яшиклар ҳажми:
* узунлиги — 40,5 см.;
* эни — 29,5 см.;
* баландлиги — 17 см.
Баҳоси — келишилган нархда.
Тўлов шакли — турлича.
Маҳсулот сертификатланган.
Тел.: (8-371) 233-80-24, Тошкент ш.
Уяли тел.: (+99897) 476-08-71.

«МЕҲРЛИ САВДО» ШЎЪБА КОРХОНАСИ
2009 йилнинг IV чорагида қуйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:
САРИЁҒ, 1-КАТЕГОРИЯЛИ МУЗЛАТИЛГАН МОЛ ГЎШТИ.
Тендер таклифларини топшириш ва тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:
100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ниёзбек йўли 7-тор кўчаси, 27-уй.
Телефонлар: 237-14-59, 237-45-15. Факс: 237-14-92.
Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2009 йил 28 сентябрь куни соат 17.00 гача.

ООО "CHIRCHIK HEATING SYSTEMS"
ИСИТИШ СУВ ҚАЙНАТИШ CHTS
ҚОЗОНЛАРИ
ИСИТИШ ҚОЗОНХОНАЛАРИ
Табиий газ, суюқ ва қаттиқ ёқилғи билан ишлайди
Маҳсулот сертификатланган.
Т/ф.: 8 (371) 416-90-06, 8 (371) 786-50-09, 8 (37071) 9-09-08.
E-mail: chts.uz@mail.ru

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР
ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ
КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ "КЧМ"
РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%
а также:
Товар сертифицирован. Форма оплаты — любая.
КАФЕЛЬ (облицовочный и напольный)
САНТЕХНИКА (унитазы, умывальники в большом ассортименте)
ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ
Тел.: 333-71-55, 402-69-89, факс 267-35-73.
Торговый магазин: ул. Уста Ширин, 125, внутри строительного рынка № 127.
zakamsk-group@mail.ru

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи барча корхона раҳбарлари ва хусусий тадбиркорлар диққатига!
Ишлаб чиқариш корхоналари, хусусий тадбиркорлар, фермер, деҳқон хўжаликларига қулайликлар яратиш мақсадида Андижон вилоятининг Андижон, Хонобод шаҳарлари, Қўрғонтепа, Булоқбоши, Марҳамат, Хўжаобод, Пахтаобод, Избоскан, Жалақудуқ туманларида янги ташкил этилган савдо мажмуаларидаги дўконлар орқали ҳудуд аҳолисига узлуксиз савдони ташкил этиш учун ишлаб чиқарилган сифатли озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларини «Андижонгўштсутсавдо» очиқ акциядорлик жамияти (тел.: (8-374) 226-33-22, 226-66-55), «Хонободтаъминотсавдо» МЧЖ (тел.: 8-374) 734-22-63, (8-374) 977-82-21) орқали, шунингдек, Тошкент шаҳрида жойлашган Республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалари:
- «Озиқ-овқат моллари» (Олтинкўл кўчаси, 2-тор кўча, 115-уй, тел.: 291-40-11, 291-57-43);
- «Атторлик» (Жомий кўчаси, Мавзук тор кўчаси, 20-уй, тел.: 244-20-43, 228-08-27);
- «Газмол» (Кушбеги мавзеси, 20-«А» уй, тел.: 250-01-82, 250-01-84);
- «Маданий моллар» (Шоҳсанам кўчаси, 5-уй, тел.: 298-60-89, 298-43-88);
- «Пойабзал ва спорт моллари» (Толариқ кўчаси, 26-уй, тел.: 298-33-91, 298-47-93);
- «Улгуржикийимсавдо» (Шоҳсанам кўчаси, 85-уй, тел.: 298-34-90, 298-62-63);
- «Хўжалик ва қурилиш моллари» (Шоҳсанам кўчаси, 85-уй, тел.: 298-44-88, 298-34-92)

ўз ихтисослашуви бўйича сизнинг корхонангиздан пул ўтказиш йўли билан ишлаб чиқарилаётган товарларингизни келишилган ҳолда шартнома асосида харид қилади.
Юқорида қайд этилган телефонлар орқали мурожаат этишингиз мумкин.
Телефонлар: 239-43-66, 239-48-26, 239-13-52, 239-46-97.
«ЎЗУЛГУРЖИСАВДОИНВЕСТ» УЮШМАСИ.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси "O'zbekiston" телерадиоканали давлат унитар корхонаси Навоий вилояти бўйича ўз мухбири Райим Қодировга волидан муҳтарамаси
МАЛОҲАТ аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси жамоаси автомобиль транспорти соҳасининг фахрийси, "Автомобилчи" болалар дам олиш оромгоҳи раҳбари
Йўлдош Эргашевич ОЧИЛОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси "Toshkent" телерадиоканали ДУК навбатчи-диспетчери Тоҳир Муллабаевга волидаи муҳтарамаси
Оминахон МУЛЛАБАЕВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Назарий механика ва материаллар қаршилиги кафедраси доценти
Қурбонбой Пардаевич ЙЎЛДОШЕВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Кўнгил хиёбони

Ҳаёт манзаралари

...Турмуш ўртоғи вафот этди-ю, Зумрад холанинг ҳаловати бузилди. Қайнука-қайнсингиллар "Бу ҳовли асли отамизники. Биз — меросхўрмиз" деб туриб олишди. Қизларини турмушга узатиб, кенжа ўғли билан шу ҳовлида яшаб турган шўрлик онанинг кўнглига қил сиғмай қолди.

Меҳрдан яралган олам

Сирасини айтганда, қайнукаю қайнсингилларнинг бари ўзига тинч, туриш-турмушдан нолийдиган жойлари йўқ. Аммо нафс балоси ёмон экан. Иш судгача бориб етгач, Зумрад холанинг кўзига дунё қоронғи бўлиб кетди. Жигаргўшалар бир парча ер устида шунақанги даҳанаки "жанг" олиб боришдики, дафъатан кўрган киши уларни бир қориндан тушган акаукалар эмас, тамоман ёт кишилар деб ўйларди.

Зумрад хола (аниқроғи, турмуш ўртоғи)нинг уйни ўз номига қонуний жиҳатдан ҳужжатлаштириб қўймагани чатоқ бўлди. Иш тескарисига кетиб, тўрт сотихли ҳовлининг "эга"лари кўпайди. Ўртадаги меҳр-оқибатдан асар ҳам қолмади.

Зумрад холадан уй билан боғлиқ машмашани тинглар эканмиз, беихтиёр Роҳила опа Муҳаммадиевани ёдга олдик. Бухоро шаҳрида дарёдил бу инсонни танимайдиган киши йўқ, десак муболаға қилмаган бўламиз. Гап шундаки, Роҳила опа боқувчисини йўқотган, етим болаларни ўз бағрига олган. "Муҳаммадиевлар" оилавий меҳрибонлик уйида ҳозир ўн нафар шундай ўғил-қиз она меҳрини ҳис этиб, шу меҳрга қониб, вояга етмоқда.

— Уларни бир кун кўрмасам, овозларини эшитмасам, соғиниб қоламан, — дейди Роҳила опа. — Болаларим ҳам менга ўрганиб қолишган. Тобим қочиб қолса, атрофимда шунақанги парвона бўлишадики, қандай қилиб оёққа туриб кетганимни ҳам сезмай қоламан.

Опанинг самимий эътирофи меҳр деган туйғунинг қудрати чексизлигидан далолат. Шундай қудратни ҳис этиб яшаётганлардан бири 80 ёшли Мария Баллердир. Бухоро шаҳридаги Турсуной Авезова кўчасида истиқомат қилувчи бу аёл Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги оғир йилларни яхши эслайди.

— Уруш бошланганида Украинадан Ўзбекистонга эвакуация қилинганмиз, — дейди у. — Ўзбек халқи бизни ўз бағрига олди. Топган-тутганини бирга баҳам кўрди. Меҳр-оқибат кўрсатди. Ўзбекистонни Ватаним деб биламан. Ёшим бир жойга бориб қолди. Ҳали-ҳануз маҳалла, қўни-қўшнилар меҳри, мададини ҳис этиб турибман. Шу боисдан ўзбек халқига қуллуқ қиламан.

Бу каби очиқ, самимий сўзларни эшитганингда кўнгил осмони ёришиб кетгандек туюлади. Беихтиёр Зумрад опанинг даъвогар қариндошлари ҳам меҳр нималигини англаб қолишидан умидланасан. Ахир дунё меҳрдан яралган. Акс ҳолда тириклик чироғи ёнмаган бўлур эди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Навоий ташбеҳлари ҳамиша ўзининг ҳаётийлиги билан ажралиб туради: у теварак-атрофдаги ҳамма кўриб, лекин унча эътибор берилмайдиган нарса-ҳодисалардан ўз фикрини гўзал ва таъсирчан шаклда ифодалаш учун фавқулодда ажойиб ва оҳорли қиёслар, ўхшатишлар топади:

Оразин кўрдум, ниҳон ашк айлади сирримни фош,
Яшурун қолмас ўғурлуқ уй ароким бўлса ёш.

МАҲОРАТДА БЕНАЗИР

Навоийни англаш

Албатта, бундай қараганда, кўзёши ва ёш боланинг бир-бирига ҳеч қандай нисбати йўқ. Лекин Навоийнинг маҳорати шундаки, бу ерда у кўзёши ва ёш боланинг муайян хусусияти аро муштаракликни топа олган — бу: кўзёши — инсоннинг, ёш бола — хонадоннинг сирини фош қилиши. Ёш сўзининг икки маънони — ҳам кўзёши, ҳам ёш болани билдириши шоирга қўл келган.

Кўринадики, Навоий ташбеҳ санъатини ҳадди аълосига етказган — шоир шеърларида ташбеҳнинг фавқулодда, бир-биридан гўзал ва бетакрор намуналарига дуч келамиз. Айтайлик, шоир ишқинг ўтида бутун жисму жоним куйгани учун кўнгилнинг кўкрак қафасини синдириб чиқишга уриниши ҳайрон қоладиган ҳодиса эмас, деб ҳарчанд оху фарёд чекмасин, бу ҳолатини уйига ўт тушган кишининг ўзини ҳар ёққа уришига ўхшатмаса, унчалик таъсирли чиқмас эди:

Жисмим агар куяр,
кўнгул толпинури ажаб эмас,
Кимки уйига тушса ўт,
йўқ ажаб изтироб анга.

Алишер Навоий муболаға санъатидан ҳам маҳорат билан фойдаланади. Шоир тасвир жараёнида баъзида у ёки бу нарса-ҳодисанинг асл ва табиий ҳолатини катталаштириб ёки кичрайтириб олади, яъни таърифни ҳаддан ташқари юксакка кўтаради ёхуд ерга уриб юборади. Бу усул муболаға деб аталиб, унинг уч тури фарқланади. Агар шоирнинг ушбу даъвоси ақлу одатга мувофиқ бўлса, бундай муболаға мақбул ҳисобланади ва таблиғ дейилади. Агар даъво ақлга сиғса-ю, одатдан ташқари бўлса, унга иғроқ дейилади. Агар даъво одатдан ташқари бўлиб, ақлга ҳам сиғмаса, ғулув деб юритилади. Ғулув ҳаддан ўтмоқ маъносини билдиради. Навоий ижодида муболағанинг барча турларига дуч келиш мумкин. Мисол учун, у маҳбубамни кутиб, тонг отгунча кипригимга уйқу қўнмади деса, бу гапга ҳамма ҳам ишонади:

Кеча келгумдур дебон
ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг
отқунча уйқу келмади.

Бу муболағанинг таблиғ турига мисол бўла олади. Лекин шоир ушбу ҳижрон кечасини ногаҳон туш кўрсам, унинг даҳшатидан зҳрам (ўт пуфагим) ёрилиб, ўлган бўлар эдим дер экан, бу даъво ақлга сиғса ҳам, одатдан ташқари. Демак, бу иғроқ ҳисобланади:

Ушбу ҳижрон кечасин
туш кўрсам эрди ногаҳон,
Ўлгай эрдим ваҳмдин,
албатта, заҳрам ёрилиб.

Шоир ижодида муболағанинг "Тоғни дашт қилиб, даштни тоғ айлади дардим" қабилидаги ғулув тури кўпроқ учрайди:

Бўлубтур заъфим ул янглиғки,
боссам мўрни ўлмас,
Вале ул жисмим узра чиқса,
дардидин чиқар жоним.

"Шунчалик заифлашибманки, чумолини боссам ҳам, у ўлмайди, лекин чумоли устимга чиқса, оғирлигидан жоним чиқади".

Албатта, одам боласининг бу даражада заифлашиши одатдан ташқари, ақлга ҳам тўғри келмайди. Байт орқали шоир ишқ дастида ҳаддан ортиқ ранжу азоб чекиб, ожизу нотавон бир аҳволга тушганлигини муболаға йўли билан билдирмоқда.

Навоий ижодида ташхис санъатига ҳам кўп дуч келамиз. Ташхис деб илми бадеъда шахслантириш, яъни табиатдаги воқеа-ҳодисаларни жонлантириб, уларга инсонга хос хусусиятларни нисбат беришга айтилади.

Янги ойни қошинг гўё қулум
дебтур ҳилол отлиқ,
Қади таъзим учун хамдур
бўлуб бу нуктадин мамнун.

"Қошинг янги ойни Ҳилол отлиғ қулим деганига у бу илтифотдан мамнун бўлиб, таъзим учун қаддини хам қилибди".

Бу ерда ҳилол жонлантирилиб, инсонга ўхшаб таъзим қилдирилмоқда. Айни пайтда, байтда ҳусни талил санъати ҳам мавжуд: ҳилолнинг эгиклигига унинг маъшуқа қошига таъзим қилаётгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

Қуйидаги байтда эса сабо жонлантирилиб, у ғунчанинг ёқасини йиртиб, қўйнини ҳарчанд ахтармасин, маҳбубанинг жонбахш каломидек сўз гавҳарини топмаганлиги айтилаяпти:

Каломинг гавҳаридек
топмамиш, гарчи сабо илги
Ёқасин ғунчанинг йиртиб,
нечаким қўйнин ахтармиш.

Маълум бўладики, Алишер Навоий ижодида бадиий санъатлардан холи шеър тугул, байт ҳам йўқ экан. Албатта, у тазод, талмеҳ, ийҳом, ирсол ул-масал, тажоҳули орифона, лафф ва нашр, истиора, тажнис, таносуб, такрор каби кўпдан-кўп воситалардан ҳам фойдаланганки, уларнинг барчаси ҳақида биргина мақолада сўз юритишнинг имкони йўқ. Шоир маҳоратининг юксаклиги ҳам, асарларининг бадиий баркамоллиги ҳам шунда.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди.

Олтин куз мевалари

Ҳасан ПАЙДОЕВ сурат-лавҳаси.

«ОШИҚЛАР ТУМОРИ»

Мумтоз шеъриятимизнинг забардаст намояндаларидан бири Муҳаммадризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий ўзининг эл аро машҳур бўлган "Таъвиз ул-ошиқин" ("Ошиқлар тумори") девонини 1872 йилда ёзиб тугаллаган.

Биласизми?

Девонда 20 га яқин шеърий санъат намуналари ўрин олган. Унга шоир томонидан анъанавий тарзда тартиб берилиб, 470 та ғазал, 3 та мустазод, 89 та мухаммас, 5 та мусаддас, 2 та мурабба, 4 та мусамман, 4 та таржеъбанд, 7 та қитъа, 80 та рубоий, 10 та туюқ, 1 та муламма, 4 та чистон, 2 та муаммо, 4 та масснавий, 1 та баҳри тавил, 1 та муножот,1 та ошиқ ва маъшуқ савол-жавоби, 19 та қасида, 20 та таърих жойлаштирилган. Асар ҳажми 1800 мисрани ташкил этади. Шунингдек, девонга шоирнинг форс тилида битган 1300 мисрадан иборат шеърлари ҳам "Ашъори форсий" сарлавҳаси остида киритилган.

Эътироф этиш керакки, Огаҳий ушбу девонида ўзигача мавжуд бўлган 7 — 8, 10 — 12 байтли ғазал ёзиш тартибини 23 байтгача етказган. Мустазод жанрининг қўш орттирма мисрали янги шаклини кашф этган.

БОҒ

Чиғатой дарвозада бувимнинг боғ ҳовлилари бўларди. Болалик чоғларимда ўша боққа тез-тез бориб турардик.

Эски пахса девор, меваси ғарқ пишган дарахтлар, ерга тушиб ётган олма, ўрик, шафтолилар...

Эҳтимол, "боғ" деган сўзни илк бора ўшанда эшитгандирман. Бу сеҳрли сўзнинг жозибаси илк бора ўшанда ўрнашгандир ёдимга...

Кейинчалик эртак китобларидан афсонавий боғлар, Боғи Эрам ҳақида ўқидим. Ва табиийки, "боғ" деган сўзнинг сеҳр тўла дунёси яна ҳам кенгайиб кетгандай бўлди.

Ҳозир шуни эсласам, ўша бола тасаввуридаги боғ бежиз мўъжизалар олами бўлиб туюлмаган, деб ўйлайман.

Зеро, қанча рамзу тимсол, қанча ҳикмат акс этади бу сўзда. Ҳаёт боғи, умр боғи, кўнгил боғи. Боғ — ободлик, тўкинлик, ризқ бутунлигининг бир белгиси.

Шу боис ҳам соҳибқирон Амир Темур бежиз айтмаганлар: "Хон бўлсанг-да, боғ ярат, гадой бўлсанг-да, боғ ярат — бир кунмас бир кун мевасини татирсан..."

Лекин бу тимсоллар ичида тенгсизи борки, хаёлимга шу тимсол келаверади. Буюк бобомиз даъвати ила асрлар давомида яралган гулу гулзорлардан бунёд бўлган боғ — Ватандир.

Туйғу

Сизу биздай шу тупроқдан бўй чўзган ниҳолу новдаларни бирлаштириб, барқ уриб турган поёнсиз абадият боғи — Она Ватан. Эртақдаги боғлар эса хаёл чақинлари, холос.

Ватан боғидан кўра азиз, табаррук боғ йўқ ер юзида. Ундан кўра аълоси етти оламда мавжуд эмас.

Дилшод ШАМС.

Адаб кўрки

Донишмандлар қадим-қадимдан сир сақлаш одобу қоидаларини баён этишар экан, аввало, инсоннинг сабру қаноати, иродаси, босиқлигига урғу берадилар. Инсонийлик шаъни — вазиятга тўғри баҳо бериш, андишалилик, донолик, ор-номус билан ҳам белгиланишини, аммо у ички қалъада сақланишини, ҳиссиёт, нодонлик, васваса, ғийбат ва иғво каби иллатлардан қўриқланишини уқтирадилар. Қисқаси, ҳиссиётини, руҳий туғёнини ақл посбонлигида асрай олган киши — саодатманд, хирадманд, комил инсон.

Тафаккур бўстони

Нақл қилишларича, одам ўз сирини беш хил кишига айтмаслиги лозим. Булар, макру ҳийлали аёл, иккинчиси балоғат ёшига етмаган бола, учинчиси тентак, тўртинчиси бировга тобеъ хизматчи, бешинчиси синалмаган дўст. Хўш, бу тоифа кишилардан сирни пинҳон тутмак сабаби нимада? Соҳиби фикратлар айтадиларки, енгиллик ва макр соҳибаси бўлган аёлга сир бой берган киши бамисли оловга пахта ташлаб, унга "куйма" деб буюрган кишига ўхшайдир. Болага гуллаб қўйган эса худди сувга кўза ташлаб, ундан "хўл бўлма" деб илтижо қилаётган аҳволотидек. Тентак билан дардлашган киши мушукка гўшт ташлаб "ема" деб талаб қилаётган кимсадекдир. Бирор тасодиф туфайли бировга қарам ва тобеъ бўлиб қолган кишига сир айтганнинг қилмиши гўёки ит ёнига суяк ташлаб, унга "ғажима" деб сўз қотаётган нодон ишига монанд. Синалмаган дўстга "ичини очган" эса ўзини дарёга отиб, сўнг мантиқсиз равишда "мени қутқар" дея хитоб қилаётган овсардан сира фарқи йўқ.

Шу ўринда ҳазрат Алишер Навоийнинг бу борада битган қуйидаги ҳикматлари мағзини чақсак чакки бўлмас.

Агарчи тил сақламоқ
кўнгилга оғирдир, аммо
Сўзни сочиб юбормоқ
бошга офатдур.

Ҳақиқатан ҳам, ўйламай-нетмай оғизга ақл тўғони ила тўсилмаган сўзларни сочмак шармандаи шармисорликдан ташқари ажални бемаҳал чорламоқ кабидир. Ривоятлардан бирида шундай бир ибратли воқеа нақшланган. Қадим замонларда мартабали, бой-бадавлат, таъсири кучли бир амалдор яшаган экан. Кунлардан бир кун, у хизматкорига "бир сирим бор, уни шу пайтгача дилимда сақлаб юрибман. Уни сенга айтаман." дебди. Шунда хожасига ўз садоқатини кўрсатиш мақсадида хизматкор ибратли байт келтирибди.

Жоним таним ичра
бор экан пинҳон,
Сиринг жоним ичра
яширин мудом.

Амалдор бу байтдан ишончи мустаҳкам тортиб, дилидагини айтибди. "Иш юзасидаги шеригимнинг калтабинлигидан ҳайронман. Ишхонага, қўл остимдагиларга, муомаламга унинг зарари етмасидан бурун, уни ўзимдан йироқлаштирмоқчиман". Хизматкор эса вафо ва садоқат ришталарини узиб, нопок манфаатини ўйлаб, амалдорнинг шериги ёнига бориб, ҳамма гапни қўшиб-чатиб сўзлабди. Амалдорнинг шериги албатта бундан хулоса чиқариб, шундай иш тутибдики, у нима қиларини билмай, душманчилик тузоқларига дош беролмай оламдан ўтибди. Ғаддор душманга айланган шериги унинг барча молу мулки баробарида амалини ҳам қўлга киритибди. Шундан сўнг биринчи иши сифатида собиқ амалдор хизматкори бошига ит азобини солибди. Алал-оқибат қотил ёллаб, хизматкорни ўлдиришдан олдин унга қуйидаги байтни айтишни уқтирибди.

Тилинг бўлса
сир учун йўлдош,
Қиличдан узилмас
эди тилла бош.

Кўриниб турибдики, сир сақлаш ҳам одоб, ҳам хазина экан. Унга риоя қилмасликнинг оқибати эса мусибатга яқинлашишни, обрўни тўкишни англатади. Бинобарин, унутмайликки, улуғларимиздан мерос яна бир ҳикмат бор. "Икки кишининг бирга ўтириб қилган суҳбатидаги гаплари омонат. Суҳбатдошнинг сирини фош қилиш ҳаромдир".

Абдували ҚУТБИДДИНОВ тайёрлади.

Ҳикмат

Ғафлат аро хуш кўрубон хуш дема,
Воқиф ўлиб сўнгра пушаймон ема.

Алишер НАВОИЙ.

Нақл қиладиларки, қадим замонда бир оқил кишининг иккита хизматкори бўлган экан. Улардан бирига эллик туман, иккинчисига юз туман маош тайинланган экан.

Бир саволга икки хил жавоб

Бир куни эллик туман оладиган хизматкор ўз хўжайинидан сўради:

— Менинг ишим шеригимникидан анча кўп бўлса ҳам, эллик туман берасиз, унга эса мендан анча кам иш қилишига қарамай, юз туман маош тайинлагансиз. Ахир, инсоф юзасидан айтганда, бу адолатсизлик эмасми?

Иттифоқан, худди шу лаҳза уй ортидан қўнғироқ садоси эшитилди. Хўжайин хизматкорига деди:

— Бориб қарагин-чи, бу ниманинг овози экан. Қайтганингдан сўнг маошлар ҳақидаги қарорим сабабини айтаман.

Хизматкор бориб, қайтиб келди ва деди:

— Карвон ўтаётган экан, туялар қўнғироғи жиринглаяпти.

— Жуда соз. Энди шеригингни жўнатаман, қани у қандай жавоб олиб келар экан, — деди хўжайин. Шундан сўнг у иккинчи хизматкорини чақириб буюрди:

— Бориб кўчага қарагинчи, қўнғироқ овози қаердан келаётган экан?

Хизматкор тезда қайтиб келди ва деди:

— Юзта туя, ўттиз беш хачирдан иборат карвон экан. Ипак матолар, марвариду ширинликларни Исфаҳондан олиб, Шероз томонга кетишяпти.

Хўжайин эътироз билдирган хизматкорига юз буриб деди:

— Кўрдингми, сен келтирган хабар у айтган гаплардан қанчалик фарқ қилади. У ҳамиша диққат ва синчковлик билан иш юритади. Демак, сенинг маошинг камлиги бесабаб ва унинг маоши кўплиги беҳуда эмас экан.

Хизматкор хўжайининг оқилона гаплари қаршисида лом-мим дея олмай қолди.

Ибратли ҳикоятлар

Ота насиҳати

Бир куни кекса деҳқон ўғли билан қишлоқдан шаҳар томон борар эди.

Йўлда ота бир дона от тақасини кўриб қолди ва ўғлига деди:

— Ўғлим, ана шу тақани олгин!

— Эй ота, бу тушиб қолган тақанинг бизга нима кераги бор?

Ота ўғлига ҳеч нарса демади. Тақани ўзи олиб, чўнтагига солиб қўйди. Шаҳарга етганларидан сўнг ўз ишларини бажардилар, ота бояги тақани мевафурушга берди ва унинг эвазига озгина гилос сотиб олиб, чўнтагига солиб қўйди.

Ота ва бола қишлоқ томон қайта бошладилар. Офтоб нақ тепага келганда ўғил чанқаганлигини айтиб, отасига шикоят қилди. Отаси ҳам битта-битта гилосларни бериб, унинг ташналигини қондириб борди. Уйга яқинлашганларида ўғли деди:

— Ота, агар ана шу гилослар бўлмаганда, чанқаб ўлар эканман.

— Ўғлим, бу гилосларни қачон ва нимага олганимни биласанми? — сўради отаси.

— Йўқ, — жавоб берди ўғил.

— Ўша сен йўлда олишга ор қилган тақа эвазига олганман. Ҳар кичик нарсанинг ҳам ўз вазифаси ва қиммати бор. Керакли тошнинг оғирлиги йўқ, деб бежиз айтмайдилар.

Абдуллоҳ АНСОРИЙнинг «Туҳфат ул-мулук» китобидан.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 803. 36192 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.35 1 2 3 5